

**ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ БАҲС-МУНОЗАРА САНЪАТИ – МУМТОЗ ЎРТА
АСР СХОЛАСТИКА БАҲС-МУНОЗАРА МАДАНИЯТИНИНГ ЮКСАК
НАМУНАСИ**

Фируз Давронович МУЗАФФАРОВ

Доцент
фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Бухоро давлат университети
Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақола фалсафа тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган бетакрор аллома – Хужжат-ул Ислом Имом Ғаззолийнинг Шарқдаги кураши ва Ғарбий Европа фалсафий фикр тараққиётига қўшган ҳиссаси таҳлилига қаратилган.

Таянч сўзлар: ислом, шариат, тасаввуф, машшоййун, табииййун, фалсафа, ботинийлик, Арасту, Форобий, Ибн Сино.

**ИСКУССТВО ДИСПУТА-СПОРА ИМАМА ГАЗЗАЛИ – ВЫСОКИЙ
ОБРАЗЕЦ КУЛЬТУРЫ СХОЛОСИЧЕСКИХ ДИСПУТОВ-СПОРОВ**

Фируз Давронович МУЗАФФАРОВ

доцент
доктор философии по (PhD) философским наукам
Бухарский государственный университет
Бухара, Узбекистан

Аннотация

В этой статье анализируется борьба на Востоке неповторимой личности, занимающего особое место в истории философии, Хужжат-ул Ислама Имама Газзоли и его вклад в развитие философской мысли Западной Европы.

Ключевые слова: ислам, шариат, суфизм, машшоййун, табииййун, философия, внутренний мир, Аристотель, Фароби, Ибн Сина.

Имом Ғаззолийнинг “Мақосид-у-фалосифа” асари тўла маънода схоластик баҳс-мунозара олиб боришнинг дастлабки асоси, усул, воситаларининг юксак намунаси, илмий ва фалсафий муаммоларни дин таълими, илоҳиёт - калом мафкуравий зуғумидан кўркмасдан ўртага қўйиш, уларга бирма-бир ақлий-мантикий исбот келтириб рад этиш, фош этиш имкони яратилганлигини яққол кўрсатувчи муҳим манбавий ҳужжатдир. Буни қуйидаги беш ҳолатда ихчам шаклда изоҳлаб кўрсатиш мумкин.

1. Имом Ғаззолий полемика санъатининг расмий “Низомия” воситасида бутун Империяга андоза, услуб, кураш йўли сифатида жорий этилиши, ғалабалари.

2. Бошқа таълимот, оқим, мазҳаб, мактаблар вакиллари томонидан қабул қилиниши.

3. Маймонид, Ибн Зур, буюк Альберт, Фома Аквинский ва бошқалар томонидан қабул қилиниши, Ғарбдаги таъсирлари.

4. Диний ақидапарастлик ва экстремизм билан курашда асқотиши мумкин бўлган кураш усул, восита, принциплари.

5. Дин ва илм-фан билиш, фалсафа ва бошқа бидъат таълимот, оқим, мазҳаблар ўртасидаги муносабатларни мўътадиллаштириш – “Consensus” муносабати, ислоҳ қилиш – “Реформация” йўлининг таклиф этилиши.

Фалсафанинг ислом дунёсидаги тарихига назар солар эканмиз, Имом Ғаззолий файласуф бўлмаган, бироқ файласуфлар қадар тафаккур шаклига эга бўлган шахсият сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Алломанинг фалсафа соҳасида ёзган илк асари “Мақосиду-л-фалосифа” (Файласуфларнинг мақсадлари) бўлиб, ушбу китобнинг муқаддимасида “энди мен файласуфларнинг беқарорлигини, қарашларининг зиддиятлилигини, қоришмаларни аралаштириб юборганликлари ва йўлдан адашганликларини аниқлашни мақсад қилганман. Уларнинг қарашларини танитмасдан, эътиқодларини ўргатмасдан сизга ёрдам қилиш ниятим йўқ. Файласуфларнинг метафизик билимлари (илоҳиёт), табиат билимлари ва мантиқ билимларидаги мақсадларини қамраган беқарорликларини соф ва қисқа бир шаклда Ҳақни ботилдан ажратишни мақсад деб, ҳисобладим. Мақсадим, мақсадлари ташқарисидаги тафсилотлари ва муфассалликларини зикр этмоқ суръати билан сўзни узайтirmoқ эмас, фақат мўлжалларини англатмоқ, файласуфларнинг далиллари билан алоқали бўлган ишончли матнлар ва мисолларни тақдим этмоқдир. Китобнинг мақсади айни вақтда китобнинг номи бўлган файласуфларнинг мақсадларини англатмоқдир” [3], деб ёзади.

Имом Ғаззолий файласуфлар тоифаларининг барчасида куфр билан боғлиқ қарашлар кўплигини айта туриб, уларнинг мактаблари ва таълимотларининг фарқланишига қарамай, уларни уч қисмга бўлади:

Даҳрийлар (даҳриййун), табиатшунослар (табиъиййун) ва метафизиклар (илаҳиййун).

Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, даҳрийлар ҳамма нарсани ташкил этувчи, ҳамма нарсани билувчи ва барча нарсага қодир Яратувчини тан олмаган ва дунё ҳамиша шундай мавжуд бўлган ҳамда унинг Яратувчиси бўлмаган, деб ҳисобловчи, ҳайвонлар доимо уруғдан вужудга келганлигини, уруғ эса ҳайвондан пайдо бўлишини, асрлар давомида шундай бўлган ва абадул абад шундай бўлади, деб таъкидлайдиган қадимги мутафаккирлар гуруҳидир.

Ғаззолий ўз олдига қўйган вазифани бажариш учун фалсафа фанларини олти қисмга ажратади: математика (риёзиййа), мантиқ (мантикиййа), физика (табиъиййа), метафизика (илоҳиййа), сиёсат (сиёсиййа) ва ахлоқ (хулқиййа) [1]. Математикага арифметика, геометрия ва астрономияни киритади. Унинг фикрича, буларнинг динга ҳеч қандай алоқаси йўқ ва уларни инкор этиш имконсиздир. Шунга қарамай, дейди Ғаззолий, улар икки бахтсизликни ортларидан эргаштириб келтиради.

Биринчиси, математикани ўрганадиган ҳар бир киши у қамраб олган фанларнинг аниқлиги ва улардаги исботларнинг равшанлигидан шунчалик ҳайратга тушадики, унда файласуфлар ҳақида ижобий фикрлар шакллана бошлайди. У уларнинг барча илмлари худди шу илм каби аниқ ва асосли аргументга эга характерда, деб ўйлай бошлайди, кейин эса агар уларнинг куври ва имонсизлиги ҳамда шариятга риоя қилмаслиги ҳақидаги одамларнинг гапларини эшитса, бундай одамнинг ўзи динидан қайтиб, кофирга айланади, буларнинг ҳаммаси унинг файласуфларга ишонгани туфайли юз беради.

Ислом маданияти тарихида фалсафа илмига қарши ҳам салбий, ҳам ижобий муносабатда бўлганлигини қайд этиш мумкин. Фалсафанинг ислом дунёсидаги тарихини таҳрирдан ўтказган вақтда ҳар бир мактаб вакилининг, айтайлик фақиҳ, мутакаллим ёки ҳадисшуноснинг фалсафа ва бошқа ақлий илмларга ўзига хос муносабатда бўлганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Аслида “Тахофуту-л-фалосифа” ва шунга ўхшаш асарларнинг мавжудлиги факти муаммонинг ислом оламидаги шаклини етарли даражада ўртага кўяди. Бундан ташқари Шихабуддин Сухравардий, Абу Валид ибн Рушд каби файласуфларнинг ҳаётий ҳикоялари, тушунчаларига кўра, яшаган давр таъқиблари мусулмон файласуфларининг ҳамиша ҳам роҳат қиладиган шаклда фалсафий фаолият билан машғул бўла олмаганларини кўрсатади. Фақат бу муносабат турли даврларда турлича шаклларда намоён бўлган.

Ибн Таймийя номи билан танилган Абул Аббос Тақияддин Аҳмад ибн Абдулҳалим ва Мулла Муҳаммад Амин Астрободий каби олимлар фалсафий фикрга қарши бошқаларга қараганда янада кескин мавқеи билан танилган шахслар орасида алоҳида қайд этиш лозим.

“Тахофуту-л-фалосифа” ислом фалсафасида бу мавзудаги илк ва шу ном остида ёзилган сўнгги асар бўлмаса-да, ўз аҳамиятига кўра, шу мавзуда ёзилган бошқа асарлардан кўра катта аҳамиятга эга. Бизга маълумки, Ғаззолийдан аввал машшойийун фалсафасининг асосчиси Абу Исҳоқ Киндийнинг фалсафий қарашларига қарши ёзилган Ибн Ҳазмнинг алоҳида бир рисоласи мавжуд.

“Тахофуту-л-фалосифа”дан сўнг эса, файласуфларга раддия ёзиш каломчилар орасида одатга айланди ва бунинг оқибатида таҳофут адабиёти номи остида янги бир жанр шаклланди, деб айтиш мумкин. Бундан ташқари, Имом Ғаззолийнинг асари билан айнан шу номдаги икки асар мавжуд бўлиб, улардан бирининг бошқача номи “Ал-Захира фил-муҳакамати байнал-Ғаззолий вал-хукамо” (Ғаззолий ва фалсафанинг муҳокамаси ҳақида манбаа) бўлган Алоуддин Тусийнинг “Тахфутул-фалосифа”си бўлса, иккинчиси Муслиҳиддин Ҳожазоданинг айни шу номдаги асаридир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, баъзи манбаларда яна бир таҳофут мавжуд бўлиб, ушбу асар Қутбиддин Абулҳасан Ровандийга тегишли, деб айтилсада, у ҳақда етарли маълумот мавжуд эмас.

Ғаззолийдан аввал ҳам ундан кейин ҳам ёзилган фалсафага қарши раддияларнинг ҳеч бири унинг “Тахфутул-фалосифа”си каби қизгин фалсафий

баҳс-мунозараларнинг ўртага чиқишига сабаб бўлмаган. Ғаззолийнинг ушбу асари ва унда илгари сурилган ғоя-қарашлар тезлик билан ўз таъсирини кўрсатишни бошлади ва кейинги даврларда ислом оламида фалсафа билан шуғулланган ҳар бир киши Ибн Синонинг фалсафий системаси ва Ғаззолийнинг унга қарши илгари сурилган эътирозларидан иборат бўлган икки қутблиликка дуч келди.

Имом Ғаззолийнинг файласуфларни танқид қилишига олиб келган сабаб шунчаки фалсафанинг ҳақиқатни билмаслиги ёки файласуфларнинг лаёқатсизлиги ва фикрлашдаги хатолари эмас, балки бу хатоларни айнан илоҳиёт билан боғлиқ масалаларда қилганликлари эди. У файласуфларга тегишли йигирмата масалани аввал қарши томоннинг қарашлари ҳақида хулоса бериш, сўнгра, улар қарашларини танқидий нуқтаи-назардан текширади.

Ғаззолий йигирмата масалани муҳокама қилар экан, файласуфлар томонидан илгари сурилган далилларнинг ҳеч бири бурхоннинг эпистемологик талабларига жавоб бермаслигини, яъни қатъий фалсафий далил сифатида қабул қилина олмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилади. У муҳокама мавзусига айлантирган масалалар қуйидагилар:

- 1) уларнинг оламнинг азалий эканлиги тўғрисидаги далилларининг нисбийлиги;
- 2) олам, вақт ва ҳаракатнинг абадийлиги ҳақидаги далилларининг асоссизлиги;
- 3) Оллоҳ – оламини яратувчиси ва олам унинг ижоди ҳақидаги тасдиқларининг парда остида яширингани ва бу мажозий тасвир, аммо ҳақиқат эмаслиги;
- 4) уларнинг Худо мавжудлигини исботлашдаги ожизликлари тўғрисида;
- 5) уларнинг иккинчи худо мавжудлигини инкор этувчи далилларининг ожизлиги ҳақида;
- 6) Худонинг сифатларини инкор этиш мумкинлиги ҳақидаги уларнинг ақидаларини рад этиш;

7) уларнинг биринчи моҳиятни тур ва қисмларга бўлиш мумкин эмаслиги ҳақидаги қарашларини рад этиш;

8) уларнинг Худо моҳиятсиз ва ҳосил қилинмаган, деган фикрларини рад этиш;

9) уларнинг Худо жисм эмас, деган фикрларининг ожизлиги ҳақида;

10) олам ўз Яратувчиси ва ўз сабабларига эга эканлигига келтирган асосларнинг кучсизлиги;

11) уларнинг Худо ҳамма нарсани билувчидир, деган фикрларининг ожизлиги ҳақида;

12) уларнинг Худо ўз зоти (моҳияти)ни билади, деган фикрларининг ожизлиги ҳақида;

13) уларнинг биринчи моҳият тафсилотларни билмайди, деган қарашларини рад этиш;

14) уларнинг Осмон – бу ўз ихтиёри билан айланиб турадиган жонли мавжудот деган қарашлари ҳақида;

15) уларнинг фалакларнинг ҳаракатлантирувчилари ҳақида айтганларини рад этиш;

16) фаришталарнинг илми ҳақидаги далилларининг асоссизлиги;

17) сабаб ва оқибат ҳақидаги қарашларининг хатолиги;

18) инсон руҳи, руҳий субстанция эканлиги ҳақидаги ақлий далилларининг кучсизлиги;

19) инсон руҳи ҳақидаги қарашларининг асоссизлиги;

20) уларнинг қайта тирилишни инкор этишларининг асоссизлиги [2].

Эронлик олим Гулом Ҳусайн Диноний Ғаззолийнинг китобни якуний ва кириш қисмларида айтган фикрлари орасида бир қанча зиддиятлар бор, деб кўрсатади. Унинг фикрича, асарнинг якуний қисмида файласуфларни уч масала билан боғлиқ қарашларининг пайғамбарга ёлғондан мурожаат этиш маъносида келгани учун уларга кофир, деб ҳукм чиқаради.

Ҳолбуки, бу буюк Ашъарий мутафаккири таҳофутнинг муқаддимасида китобни турли йўллар билан ёзишга бўлган сабаб ва файласуфларнинг

кўрсатмаларини очиб беради. Асар бошида у файласуфларнинг гуноҳида юнон файласуфларига тақлид қилишни ва ўзларини бошқа одамларга нисбатан баландроқ қарашларини кўради ва албатта, унинг фикрича, файласуфларнинг яна бир гуноҳи ибодатдан воз кечиб, аждодлари динидан юз ўгиришидир [4].

“Тахофут”нинг дастлабки ва охириги қисмлари бир-бирига зид, қарама-қарши ғояларга эга эканлигини таъкидлаган олим ҳам буни аллома қарашларида давом этаётган ўзгаришларнинг бир кўриниши, деб кўрсатади [5].

Ғаззолийни ислом фалсафасида фалсафий фикрнинг қулашига сабаб қилиб кўрсатиш мутлақо нотўғри, гарчи Ғарб тадқиқотчилари орасида бу баёнот бугунги кунга қадар ўз мавқеидан тушмаётган бўлишига қарамай ўз нуфузини йўқотган. Бундан ташқари, фалсафада турғунлик даври Ғаззолий ва унинг “Тахофуту-л-фалосифа” асари ёзилишидан илгари бошланган.

Ғаззолий ижоди эса, фалсафанинг йўқолишига эмас, унинг қиёфасининг ўзгаришига олиб келди. Бир томондан, файласуфлар фалсафа ва динни бир-бирига зид томонлардан бирлаштиришга уринишлардан тозалаб, муваффақиятли таҳлилларга эришишга ҳаракат қилган бўлсалар, иккинчи томонидан, калом каби диний илмлар фалсафадан ўз мақсадлари йўлида фойдалана бошладилар.

Бундан ташқари Шаҳобиддин Сухравардий, Носириддин Тусий, Жалолиддин Давоний, Мулла Садр, Ҳайдар Амулий ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб файласуфларнинг мавжудлиги ва исломдан кейинги даврда ҳам янги фалсафий мактабларнинг пайдо бўлиши, аксинча, ислом оламидаги фалсафий муҳитнинг бойиб борганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Ғаззолий дунёқараши, илғор ғоялари туфайли мусулмон Шарқида илоҳиётшунослар муҳим илмий-методологик восита – фалсафага эга бўлдилар. Файласуфлар қарашларида сабабийлик муаммоси худо, жон, табиат, ҳодиса ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда тушунтирилиб, Худонинг ҳаракатини чегаралаган бир вақтда Имом Ғаззолий

дунёқарашининг асосида диний ирода, Худо ва дунё ўртасидаги муносабат асосий нуқта сифатида тасвирланди. Унинг фалсафий қарашларининг мақсади илмий-табиий асосларни дин билан боғлаш, бирлаштириш, яъни, фалсафада бўлган бир-бирига яқинлаштириб, мослаштириб бўлмайдиган зиддиятни аниқлашдан иборат эди. Бир сўз билан айтганда, аллома ушбу шарафли вазифани аъло даражада бажарди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ал-Ғаззолий. Ал-мунқизминаз-залолвал-мусилилази-л-Иззативал-Жалол. (Муҳаммад Исмоил Ҳузаййн таҳрири остида Аҳмад Шамсуддин, Комил Айёд ва Жамил Салиба нусхалари асосида тайёрланган). – Қоҳира: Нашр мавқий ал-фалсафаал-исломия, 2002.– Б.200.
2. Абуҳамид Ғаззолий. Таҳафутул фалосифа. – Байрут: Дорул Машрик, 1990. – 300 б.
3. Ҳужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий. Мақосид ул-Фалосифа. – Дамашқ: Матбаат ус-сабоҳ, 2000. – 280 б.
4. Гулом Ҳусайн Иброҳим Диноний. Мочарои фикри фалсафи дар чахони ислом. Техрон, 1376. – Б. 216.
5. Frank Griffel. “Taqlid of the Philosophers. Al-Ghazali's initial accusation in the Tahafut.” In Insights into Arabic Literature and Islam. Ideas, Concepts, Modes of Portrayal, ed. Sebastian Günther, Leiden: Brill, 2005. P.273.